

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибает кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+99893) 935 07 65, 91-462 41 58.
Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 рақамли лицензияга эга. Х/р
2208000904162711001 ЎзСҚБ Қашқадарё минтакавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: "Қамаши пахта тозалаши" АЖ №р 20210000800383395001 АТ "Агробанк" Қамаши филиали МФО 00160 СТИР: 200680320 ОКЭД 13101 Манзили: Қашқадарё вилояти, Қамаши шаҳри, Атомши кучаси 1-уй, тел. 75-53-24-255

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шибает кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтакавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудиторлари Зулфикоров Худойберди Назарович (аудитор малака сертификатига № 05543 берилган санаси 22.12.2017й.) хўжалик юритувчи субъект "ҚАМАШИ ПАХТА ТОЗАЛАШИ" АЖнинг «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот» 2-шакл, «Пул оқимлари» тугрисидаги ҳисобот 4-шакл, "Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот" (5-шакл) иборат 2019 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "ҚАМАШИ ПАХТА ТОЗАЛАШИ" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "ҚАМАШИ ПАХТА ТОЗАЛАШИ" АЖнинг 2019 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори,
аудитор:

10-апрел, 2020 йил



Х. Н. Зулфикоров